

**ПИЁЗБОШЛАРНИ ЎРНИДА ҚОЛДИРИБ СИФАТЛИ УРУФ  
ЕТИШТИРИШНИНГ РЕСУРСТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯСИНИ  
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**Бўриев Аброр Нортожиевич**

**Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик**

**илмий тадқиқот институти**

**2-босқич таянч докторанти**

**Аннотация:** Мақолада 2022-2023 йилларда пиёзнинг Истиқбол нави оналикларини ўрнида қолдириб турли муддатлар бўйича кўмиб уруғлик пиёз етиштиришишнинг ресурстежамкор янги технологияси ишлаб чиқиш чора тадбирлари келтирилган.

**Аннотация** В статье представлены мероприятия по разработке новой ресурсосберегающей технологии выращивания семян лука путем заглубления их на разные сроки с оставлением на месте маточников перспективного сорта лука в 2022-2023 гг.

**Annotation:** The article presents measures for the development of a resource-efficient new technology of burying seed onions for different periods, leaving the parents of the promising variety of onion in place in 2022-2023.

**Калит сўзлар:** Пиёз, оналик, унувчанлик, томчилатиб сугориш, ресурстежамкорлик, унумдорлик.

**КИРИШ**

Пиёз инсоннинг сабзавотлар истеъмол рационининг муҳим таркибий қисми бўлиб, шифобахшлиқ, парҳезлиқ, овқат хазм қилишлиқ, бактероцидлик, турли дармондори ва эфир мойларига бой сабзавот турларидан бири ҳисобланади. Кундалик эхтиёжларидан ташқари қайта ишлаш саноатида ва чет мамлакатларга экспорт қилинадиган сабзавот турларига киради. Пиёз икки йиллик сабзавот экини ҳисобланади. Республикада 35-40 минг.га майдонда пиёз етиштирилиб, ҳосилдорлиги ўртacha 25-30 т/га, уруғ ҳосилдорлиги 300-350 кг/тани ташкил қиласи.

Республикада пиёз уруғларига бўлган юқори талаб ва пиёзбошларнинг нарҳи кўтарилиб кетаётганлигини эътиборга олиб, пиёздан уруғ етиштиришишнинг ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

**АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ**

Дунё дехқончилигига сабзи, шолғом, саримсоқ, лавлаги 2 минг; пиёз, карам, бодринг кабилар 4 минг йилдан буён экилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган. Ўзбекистонда очик майдонларда етиштирилаётган, шунингдек умумий ишлаб чиқарилаётган сабзавот маҳсулотларининг 20%-сабзи, 13%-

пиёз, 11%-карам, 7%-бодринг, 2%-саримсоқпиёз ва 20% бошқа сабзавотлар ташкил этганлиги тўғрисида хабар берилган.

Яъни, навлар яратиш учун селекция усуллари билан яратилган жайдари навлар ва дурагайлар дастлабки материал бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ҳозирда пиёз генофондида 2000 дан ортиқ нав ва дурагайлар мавжуд.

Ўзбекистон шароитида Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик ИТИ томонидан пиёзнинг эртапишар, касаллик ва зааркунандаларга чидамли, ҳосилдорлиги юқори бўлган Сумбула, Оқ дур ва ўртапишар Истиқбол, Зафар навлари навлари яратилганлиги тўғрисида маълумот берилган.

Андижон, Наманган ва Фаргона вилояти шароити учун пиёзнинг Оқ дур, Самарканский красный 172 ва хорижнинг Каратальский, Леоне, Вольф, Радар нав ва дурагайлар экилиши бўйича маълумот келтирилган.

Сурхандарё вилояти шароитида пиёзнинг Сумбула, Пешпазак, Қоратол, Испанский 313, Зафар навлари, булардан ташқари Сибир, Алдаба, Техас Грано дурагайлари экилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

### **ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ ВА ЭМПИРИК ТАҲЛИЛ**

Бош пиёз уруғи етиштириш технологияси оддатда республикамизда биринчи йил уруғлик пиёзбош етиштириш учун уруг эрта баҳорда экилиб, одатдаги технология асосида сифатли парвариш қилинади. Уруғлик учун яхши етилган, йириклиги ўртача, шакли ва ранги навга хос пиёзбошлари танлаб олинади. Уруғлик пиёзбошлар 2-8 °C ҳароратда 70-80 ҳаво намлигига қоронғи жойларда яхши сақланади. Ушбу яхши сақланган пиёзбошлар экилади. Албатта етиштирилган пиёзни саралаб, сақлаб ерни сифатли тайёрлаб эккунча бир қанча харажатлар кетади ушбу харажатларни қисқартиш ҳамда уруғлик пиёзнинг таннархини камайтириш мақсадида, пиёзни уруғларни етиштиришнинг ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқиши тадқиқотларимизда мақсад қилиб олдик. Тажрибадан мақсад пиёзбошларни ўрнида қолдириб, кўчириб ўтқазмасдан, уларни турли муддатларда кўмиб сифатли уруг етиштириш ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотларга кўра, институт селекционер олимлари томонидан яратилган ва Давлат реестрига киритилган пиёзнинг ўртапишар Истиқбол нави олинди. Тажрибаларда пиёзнинг ўртапишар Истиқбол навининг оналик пиёзбошлари 2022-2023 йилларда ўрнида қолдирилиб етиштирилган уруг ҳосилдорлиги ва уруг сифати аниқланди. Тажрибаларда пиёзни Истиқбол навини кўчатларини тайёрланиб экилиб, пиёзбошлар етиштирилди. Бундан ташқари, оналик пиёзбошларни ўрнида қолдириб, белгиланган муддатларда кўмиб етиштириш ўрганилди. Пиёзнинг ўртапишар Истиқбол навининг

оналиқ пиёзбошлари 2022-2023 йилларда ўрнида қолдириб етиштириш усуллари қўйидагича бўлди (1-жадвал).

### **1-жадвал**

**Пиёзнинг ўртапишар Истиқбол навининг оналиқ пиёзбошлари 2022-2023 йилларда ўрнида қолдириб етиштириш жадвали**

<b>Вариантлар</b>	<b>Экиш муддатлари</b>	<b>Тажриба усуллари</b>
I	10.09	Ҳосили пишган пиёзбошлар ўрнида қолдирилиб, дарҳол кўмилди
II	20.09	Пиёзбошлар ўрнида очиқ далада қолдирилиб 10 кундан кейин кўмилди
III	30.09	Пиёзбошлар ўрнида очиқ далада қолдирилиб, 20 кундан кейин кўмилди
IV	06.10 (назорат)	Йигиб олинган пиёзбошлар омборхонада сақланиб, тиним даври ўтгач, очиқ далага экилди.

Тажрибамидан асосий мақсад оналиқ пиёзбошларни ўрнида қолдириб уруғ етиштиришнинг ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқиш бўлганлиги учун пиёз кўчат усулида экиб етиштирилди.

Одатда кўчат усули билан пиёз етиштирилганда маҳсулот етиштириш учун тўрт қаторли лентасимон  $(40+10+10+10)/4 \times 7,5$  см схемада экилади. Шу схемада экилса гектарига 800 минг туп кўчат кетади. Бизнинг тажрибаларимизнинг давоми уруғчилик билан боғлиқлиги ва майдоннинг ўзида пиёзбошларнинг қолдирилишини ҳисобга олиб уч қатор лентасимон  $(50+10+10):3 \times 7$  см экиш схемаси қўлланилди. Сабаби майдоннинг қатор ораларини 70 см. дан олиб уч қаторли қилиб экилганда икки четки қатордаги ва ўрта қатордаги биттадан пиёзлар август ойида йиғиштириб олиниши ҳисобига ўртага бир қатор  $70 \times 15$  см ҳисобига пиёз бошлар қолдирилди (2-жадвал).

### **2-жадвал**

**Пиёзнинг Истиқбол навини оналиқ пиёзбошларини униб чиқиш кўрсаткичлари (2022-2023 йй).**

<b>Вариант</b>	<b>Киши муддатлари</b>	<b>Кўймилгандан оналиқ</b>	<b>Кўкарган оналиклар сони</b>	<b>Бир тупдаги барг сони</b>	<b>Баргузунлиги</b>

	<b>атла ри</b>	<b>клар сони, дона</b>	<b>октябр-ноябр</b>							
			%	%	дона	н азорат га нисбат ан,%	дона	н азорат га нисбат ан,%	см	н азорат га нисбат ан,%
	1 0.09	1 60			8	12,1	1 ,3	1 43,3	1	1 25,0
I	2 0.09	1 60			5	09,9	1 ,0	1 33,3	1	1 20,0
II	3 0.09	1 60			2	07,8	1 ,3	1 10,0	1	1 15,0
V	6.10 (назо рат)	1 60			1	00,0	1 ,0	1 00,0	1	1 00,0

Пиёзниң Истиқбол нави товар ҳосили август ойида пишиб етилди, уруғ олиш мақсадида тажрибаларимизда пиёзбошлар 10-сентябрда ўрнида қолдирилиб дархол кўмилди. Тўртала вариантлар бўйича ҳам ўрнида қолган пиёзбошлар оналик пиёзбошларини қўмиш муддатларига қараб, қўмишдан олдин суғорилди. Тупроқ етилгач эгат оралари механизмлар ёрдамида 15-18 см чуқурлиқда культивация қилиниб, эгатлар қайта олиниши натижасида ўрнида қолдирилган оналик пиёзбошлар 6-8 см чуқурлиқда кўмилди.

Экин ҳосилдорлиги ва маҳсулот сифати юқори бўлишида юқори сифатли уруғликнинг аҳамияти ўғитлаш ва ерга ишлов бериш каби муҳим агротадбирлар аҳамиятидан қолишмайди. Уруғ сифатини белгиловчи кўрсаткичлардан мумкин бўлган фарқланиш меъёрлари Давлат стандартларида белгиланади. Бунда уруғлар турли қийматдаги сифат гуруҳларига, яъни унувчанлик бўйича синфларга, навдорлик сифатлари бўйича тоифаларга бўлинади.

Пиёз уруғлари экиш сифатлари бўйича камида қўйидаги кўрсаткичларга эга бўлиши керак.: 1-синф - тозалиги 99%, унувчанлиги 95%; 2-синф - 96% ва 90%; 3-синф – 95% ва 90% мувофиқ равищда бўлиши керак. Бизнинг тадқиқотларимизда эса Истиқбол навини уруғлари 1-синф - тозалиги 99%, 2-синф - 96% ва 3-синф – 90% ни, унувчанлиги эса 30-август экиш муддатида 98% ни, 9-сентябр экиш муддатида 95% ни ташкил этди (**3-жадвал**).

**З-жадвал**

**Пиёзнинг Истиқбол навини сифат белгилари**

Экин тури	Синфлар бўйича нав тозалиги, % дан кам эмас			З-Синфда умумий аралашма ичида бошقا навлар уруғлари, % дан кўп эмас
	1	2	3	
Пиёз	99	96	90	4

2022-2023 йилларда пиёзнинг Истиқбол нави оналикларини ўрнида қолдириб турли муддатлар бўйича қўмиб уруғлик пиёз етишиширишнинг ресурстежамкор янги технологияси ишлаб чиқилди.

Пиёзнинг Истиқбол нави оналикларини ўрнида қолдириб қўмилганда, пиёзбошларни қайта қўмиб экилганга нисбатан, октябр ва ноябр ойларида кўкарган оналиклар сони 7,8-12,1 % га кўп бўлди, бир тупдаги барглар сони 10,0-43,3% га, барг узунлиги эса 15-25% га, назорат вариантга нисбатан юқори бўлди.

Пиёзнинг Истиқбол нави оналикларини ўрнида қолдириб қўмилганда, пиёзбошларни қайта қўмиб экилганга нисбатан қишдан чиқсан ўсимликлар сони 9,6-14,8% га кўп бўлди.

Пиёзбошларда физиологик жараён тўхтамаганлиги ва илдиз тизими назоратга нисбатан ривожланганлиги сабабли гулпояларнинг пайдо бўлиши, гуллаш куни, уруғ пишиш даври назоратга нисбатан 20-34 кунга кўпроқ чўзилди, бунинг ҳисобига ҳосилдорлик 30-августда 810 кг, 9-сентябрда 795 кг, 19-сентябрда 691 кгни ташкил этиб, назорат навга нисбатан 19,5-40,0% га ҳосилдорлик юқори бўлди.

Пиёзнинг Истиқбол нави оналикларини ўрнида қолдириб қўмилган варианtlарда гуллаш куни, уруғ пишиш даврининг узоқ бўлиши ҳисобига 1000 дона уруғнинг оғирлиги, турли экиш муддатлари бўйича 3,4 грамдан 3,6 грамгачни ташкил этиб, назорат вариантидан 9,6-16,1% га юқори бўлганлиги лаборатория тахлилларида аниқланди.

Етиширилган уруғларнинг унувчанлиги варианtlар бўйича тахлил қилинганда, униб чиқиш қуввати назорат навга нисбатан 2-6 % га (84-88%), унувчанлиги эса 3-10% (88-98%) га юқори бўлганлиги лаборатория тажрибаларида маълум бўлди.

Пиёзнинг Истиқбол нави оналикларини ўрнида қолдириб қўмилган варианtlарда етиширилган уруғларнинг рентабеллик даражаси

ўрганилганда, 10-сентбрда - 202,8% га, 20-сентябрда 197,3% га, 30-сентябрда 158,6% гача кўтарилиб, 06-октябрда экилган назоратдаги жорий технология билан таққосланганда рентабеллик даражаси 80,6-124,8% га юқори бўлганлиги тажрибаларда аниқланди.

### **Хуносалар**

1. 2021-2023 йилларда пиёзнинг Истиқбол нави оналикларини ўрнида қолдириб турли муддатлар бўйича кўмиб уруғлик пиёз етишиширишнинг ресурстежамкор янги технологияси ишлаб чиқилди.

2. Пиёзнинг Истиқбол нави оналикларини ўрнида қолдириб кўмилганда, пиёзбошларни қайта кўмиб экилганга нисбатан, октябр ва ноябр ойларида кўкарган оналиклар сони 7,8-12,1 % га кўп бўлди, бир тупдаги барглар сони 10,0-43,3% га, барг узунлиги эса 15-25% га, назорат вариантга нисбатан юқори бўлди.

3. Пиёзнинг Истиқбол нави оналикларини ўрнида қолдириб кўмилганда, пиёзбошларни қайта кўмиб экилганга нисбатан қиқсан ўсимликлар сони 9,6-14,8% га кўп бўлди.

4. Пиёзбошларда физиологик жараён тўхтамаганлиги ва илдиз тизими назоратга нисбатан ривожланганлиги сабабли гулпояларнинг пайдо бўлиши, гуллаш куни, уруғ пишиш даври назоратга нисбатан 20-34 кунга кўпроқ чўзилди, бунинг ҳисобига ҳосилдорлик 30-августда 810 кг, 9-сентябрда 795 кг, 19-сентябрда 691 кг.ни ташкил этиб, назорат навга нисбатан 19,5-40,0% га ҳосилдорлик юқори бўлди.

5. Пиёзнинг Истиқбол нави оналикларини ўрнида қолдириб кўмилган варианtlарда гуллаш куни, уруғ пишиш даврининг узоқ бўлиши ҳисобига 1000 дона уруғнинг оғирлиги, турли экиш муддатлари бўйича 3,4 грамдан 3,6 грамгачни ташкил этиб, назорат вариантидан 9,6-16,1% га юқори бўлганлиги лаборатория таҳлилларида аниқланди.

### **Фойдаланилган адабиётлар руйхати**

1. Турдиқулов Б.Т. Ўзбекистон жанубида салатбоп шолғом Муяссар навининг яратилиши// Сабзавот, полиз, картошка экинлари селекцияси, уруғчилиги ва етишириш технологияси тўплами. Тошкент 2005. 19-21 б.

2. Исломова Д.М. Пиёзнинг янги истиқболли нави// Сабзавот полиз, картошка экинлари селекцияси, уруғчилиги ва етишириш технологияси тўплами. LOMcM.

3. Бахромов Б.Б., Арамов М.Х. Ўзбекистон жанубида сабзи нав ва дурагайларини хўжалик биологик белгиларини баҳолаш. // Сабзавот полиз, картошка экинлари селекцияси, уруғчилиги ва етишириш технологияси тўплами.

4. Арамов М.Х., Эргашев Г.А. Оценка среды условий южного Узбекистана как фон для селекции высокопродуктивных сортов столовой свеклы.// Сабзавот полиз, картошка экинлари селекцияси, уруғчилиги ва етишириш технологияси тўплами. 39-41.